

КЎП ТИЛЛИ ТЕРМИНОЛОГИК ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТЛАРНИ ТУЗИШДА ТЕРМИНОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АҲМИЯТИ

Нажмиддинов Муҳаммаджон
Қўқон университети
Таълим факултети декани
(PhD)

Аннотация: Ушбу мақола терминологик лугатларнинг тавсифи ва таснифига бағишланган бўлиб, терминологик лугатларни тузишда маълумотлар базасининг аҳамияти ва усулларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, кўплаб лугатишуносларнинг фикрлари ўрганилган. Шунингдек, лугатишунослик фанининг долзарб муаммолари ва уларнинг лугатишунослик соҳасидаги ўрни ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: лексикография, терминология, лугат, бир тилли лугатлар, икки тилли лугатлар, кўп тилли лугатлар, терминологик элементлар, алифбо-ҳужайра лугатлар, идеографик лугатлар, алифбо-муносабат лугатлар, гиперматнли лугатлар.

Annotation: This article is devoted to the description and classification of terminological dictionaries, and includes the principles and methods of compiling terminological dictionaries. In addition, the opinions of many lexicographers have been studied. Also, the current issues in the field of lexicography and their role in the field of lexicography are discussed.

Keys words: lexicography, terminology, glossary, monolingual dictionaries, bilingual dictionaries, multilingual dictionaries, terminological elements, alphabet-cell dictionaries, ideographic dictionaries, alphabetical-relational dictionaries, hypertext dictionaries.

Илмий-техник адабиётларни таржима қилишда очик кириш имкони мавжуд бўлган кўп тилли терминологик маълумотлар базалари катта аҳамиятга эга. Очик терминологик маълумотлар базалари орасида энг муҳимлари сирасида қуйидагиларни санаш мумкин:

1. ИСО терминологияси маълумотлар базаси¹ (ISO Concept Database, ISO/CDB) (<http://cdb.iso.org/> манзилида жойлашган). ИСО терминлар базаси, кўп тилли концептуал терминологик маълумотлар базаси бўлиб, ИСО стандартларида терминларни излаш, ишлаб чиқиш ва сақлаш учун яратилган. Ушбу маълумотлар базаси атама, унинг таърифлари, график белгилар ва кодлар (тиллар, мамлакатлар, валюталар ва бошқалар) каби тоифалар бўйича инглиз, француз, рус, испан ва немис тилларида қидириш имконини беради.

2. IATE (InterActive Terminology for Europe)² (Европа Иттифоқининг интерактив терминологик базаси – <http://iate.europa.eu/> манзили орқали боғланиш мумкин). IATE Европа Иттифоқининг кўп тилли терминологик базаси бўлиб, Европа Иттифоқининг 23 расмий тилидаги 1 миллиондан ортиқ терминларни ўз

¹ <http://cdb.iso.org/>

² <http://iate.europa.eu/>



ичига олади. Ушбу ресурс Европа Иттифоқи мамлакатлари ташкилотлари ва муассасаларида қўлланилади; Европа Иттифоқи фаолияти билан боғлиқ аниқ атамаларни бирлаштириш, стандартлаштириш ва тарқатиш(оммалаштириш)га хизмат қилади. Тизим Европа Иттифоқининг таржима ташкилотлари ва расмий институтларининг мавжуд терминологик маълумотлар базаларини бирлаштиради.

Кўп тилли терминология билан ишлашда таржима терминлар луғатлари билан бир қаторда, терминологик маълумотлар базалари муҳим лексикографик манба ҳисобланади. Терминологик маълумотлар базалари (termbases, ТБД) асосий атамалар ва уларнинг қуйидаги метамаълумотларини ахборот сифатида қамраб олади³:

- 1) атаманинг маъноси;
- 2) атаманинг бошқа тилларга таржима қилинган эквиваленти;
- 3) атаманинг синонимлари (уларнинг моҳиятини кўрсатувчи – қабул қилинадиган ёки қабул қилинмайдиган);
- 4) атаманинг қўлланиш доираси ҳақида маълумот;
- 5) ушбу атамани тасдиқлаган ҳужжат ҳақидаги маълумотлар (миллий, халқаро стандарт ва бошқалар).

Microsoft Language Portal⁴ (Microsoft тил портали – <http://www.microsoft.com/Language/en-US/Default.aspx> манзилида жойлашган). Microsoft Language Portal – Microsoft атамалари ва умумий ахборот технологиялари терминологиясининг қидирув тизими. Бу порталда 100 тилда 25000 га яқин атамалар ва уларнинг инглиз тилидаги таърифлари мавжуд. Microsoft Language Portal Microsoft муҳитида иловаларни ишлаб чиқиш ва интеграциялаш билан боғлиқ атамаларни бирлаштириш ва стандартлаштириш учун ишлатилади, шунингдек, кўп тилли ахборот технологиялари луғатларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кўринадики, турли тилларда турли соҳаларнинг терминологик базалари мавжуд. Аммо улар орасида биз тадқиқ этаётган лингвистик терминлар базасини учратмадик.

Кўп тилли терминологик электрон платформани шакллантиришда сўзликни шакллантириш тамойилларини ишлаб чиқиш муҳим. Бу тамойилларни ишлаб чиқиш ва атамалар рўйхатини шакллантириш мезонларини белгилашда фойдаланилган назарий материаллар ҳақида тўхталамиз.

³ Пивоварова С.С. Методика извлечения кандидатов для многоязычного (англо-франко-русского) терминологического словаря (Выпускная квалификационная работа по направлению подготовки 035700 «Лингвистика») // <https://core.ac.uk/download/pdf/217171806.pdf>. – С. 18.

⁴ <http://www.microsoft.com/Language/en-US/Default.aspx>



И.Эрматовнинг “Ўзбек тилшунослик терминларининг шаклланиши ва тараққиёти (умумий ўрта таълим мактабларининг дарсликлари асосида)” мавзусидаги монографик ишини⁵да ўзбек тилшунослик терминларининг шаклланиши ва тараққиёти монографик планда тадқиқ этилган бўлиб, ушбу материалдан лингвистик терминлар платформасининг асосий саҳифасидаги маълумотларни шакллантиришда фойдаланиш зарур. Шунингдек, туркий (қардош) халқлар тилшунослик атамалари, уларнинг шаклланиши ва терминологик луғатлари ҳақидаги илмий маълумотлар⁶ни умумий ахборотлар ойнасига жойлаштириш платформанинг информативлик хусусиятини оширади.

Олдин айтилганидек, ўзбек тилидаги атамалар рўйхати (ўзбек тилидаги терминологик луғат сўзлиги)ни шакллантиришда тилшунослик терминлари луғатидан фойдаланилади. Шунингдек, ўзбек-инглиз-рус тили лингвистик терминларининг электрон платформасига янги кириб келган атамаларни танлаб олишда А.Ҳожиёвнинг “Термин танлаш мезонлари” монографияси⁷даги тамойилларга амал қилинади. Чунки кейинги йилларда тилшуносликка оид қатор тадқиқотларда янги-янги тилшунослик атамалари кириб келди. В.Д.Табанакова “Идеографическое описание научной терминологии в специальных словарях” номли монографик тадқиқотида терминологик луғатларни қуйидагича таснифлайди⁸:

- 1) алифбо луғатлари;
- 2) алифбо ва уяли луғатлар;
- 3) алифбо-реляцион луғатлар;
- 4) идеографик луғатлар;
- 5) тесқари луғатлар.

В.Д.Табанакова изоҳли терминологик луғатларда луғат мақоласининг тузилишини таҳлил қилар экан, луғат мақоласини йўналтирувчи компонент (1), тезаурус компоненти (2), лингвистик компонент (3) каби сегментларга ажратишни

⁵ Эрматов И. Ўзбек тилшунослик терминларининг шаклланиши ва тараққиёти (умумий ўрта таълим мактабларининг дарсликлари асосида): Филол. фан бўйича фалсафа докт. диссер. автореф. – Тошкент, 2019. – 53 б.

⁶ Кенесбаев С., Жанузақов Т. Русскоказахский словарь лингвистических терминов. – Алма-ата, 1966; Молдажаров Ж.М. Становление и развитие казахской лингвистической терминологии: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Алма-ата, 1971; Орузбаева Б.О. Русско-киргизский словарь лингвистических терминов. – Фрунзе, 1972; Закирова В. Грамматические термины в киргизском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Фрунзе, 1973; Амансарыев Ж. Туркмен дилининг лингвистик терминларини дузгуне салмак ҳақинда. – Ашгабад, 1951; Филющина В.Н. К истории формирования туркменской лингвистической терминологии: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ашгабад, 1973; Решетова Л.В. Грамматическая терминология узбекского языка: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Т., 1964.

⁷ Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. – Т.: Фан, 1996. – Б. 46.

⁸ Табанакова В.Д. Идеографическое описание научной терминологии в специальных словарях: автореф. диссер. докт. филол. наук. – Москва, 2001. / <https://www.dissercat.com/content/ideograficheskoe-opisanie-nauchnoi-terminologii-v-spetsialnykh-slovaryakh>



таклиф этади. Изоҳли терминологик луғатларда луғат мақоласининг тузилиши бўйича ҳам ўз карашларини ифодалайди. Платформа маълумотлар базаси(луғат)ни шакллантиришда В.Д.Табанакванинг йўналтирувчи компонетидан ўринли фойдаландик. Жумладан, маълум атамга гиперҳавола бериш орқали тегишли икки катакдаги ахборотни фойдаланувчига бир вақтда кўрсатиш тамойилини айнан йўналтирувчи компонент асосида шакллантирдик.

Электрон платформанинг маълумотлар базасига атаманинг изоҳини келтиришда нашр этилган луғатлардаги изоҳлар келтирилган. Бу изоҳларни янгилаш тадқиқотимиз вазифаларига кирмаса-да, лексикографик талқиннинг айрим шаклий хусусиятларига ўзгартириш киритишга тўғри келди. Бу борада бизга Д.И.Ходжаеванинг “Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида)” ҳақидаги монографик тадқиқоти⁹ қўл келди. Шунингдек, луғат мақоласи тузилиши, унинг маълумотлар базасида ўз ифодасини топиши билан назарий асосларимиз сифатида А.С.Крестова, М.А.Ковязина, А.А.Прошина, Т.М.Софронова, Н.А.Шурыгинларнинг монографик ишлари¹⁰ни кўрсатамиз.

А.В.Русакова “Лингвистическая модель двуязычного электронного текстоориентированного словаря юридических терминов” мавзусидаги диссертациясида терминологик луғатнинг тузилиши ҳақида шундай ёзади: “Терминологик луғатнинг композицион параметрлари икки асосий элементни ўз ичига олади: макро ва микроструктура. Биринчисига луғатнинг тузилиши, унинг таркибидаги бирликларнинг ички алоқалари ва кўп ўлчовли мустақил тизим сифатида қаралса, иккинчиси эса луғатга жойлаштирилган барча маълумотларни ўз ичига олган яхлит маҳсулот сифатида кириш, унинг формати, ҳажми ва тузилишини назарда тутати”¹¹. Демак, электрон платформани шакллантирар эканмиз, унинг нафақат луғат қисми (маълумотлар омбори), балки платформанинг умумий тузилишини ҳам тавсифлаш, унинг таркибий қисмлари ва жойлашувини аниқлаб олиш талаб этилади.

⁹ Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида). – Т., 2018. – Б.19.

¹⁰ Крестова С.А. Лексикографическое описание терминологической системы “лексикография”: Диссер. канд. филол. наук. – Иваново, 2003. – 300 с.; Ковязина М.А. [Функциональная модель двуязычного экологического словаря-тезауруса: автореф.](#) диссер. канд. филол. наук. – Тюмень, 2006. – 21 с.; Прошина А.А. [Моделирование двуязычного словаря-тезауруса по экономике: диссер. канд. филол. наук.](#) – Екатеринбург, 2008. – 307 с.; Софронова Т.М. [Лексикографическое моделирование русской и английской пирологической терминологии: диссер. канд. филол. наук.](#) – Тюмень, 2013. – 205 с.; Шурыгин Н.А. [Семасиологический и лексикографический аспекты таксономизации лингвистических терминов и терминопонятий: автореф.](#) диссер. докт. филол. наук. – Тюмень, 2005. – 40 с.

¹¹ Русакова А.В. Лингвистическая модель двуязычного электронного текстоориентированного словаря юридических терминов: автореферат диссертации кандидата филологических наук. – Тюмень, 2008. – 27 с.



Таъкидлашимиз лозимки, лойиҳаланаётган электрон платформа тузилиши ва лексикографик тавсиф хусусиятига кўра аралаш луғат турига мансуб бўлади, чунки у таржима луғати, изоҳли луғат, ахборот луғати, шунингдек, қайсидир маънода энциклопедик луғат параметрларини бирлаштиради. Шу маънода ишнинг кейинги бобида ўзбек-инглиз-рус тилшунослик терминларининг электрон платформасининг макро ва микроструктурасини тавсифлаймиз. Умуман олганда, жаҳон компьютер лексикографияси тажрибасида бундай маҳсулотларнинг интерфейси қуйидаги кўринишга эга (қаранг: 1-расм).

Ўзбек-инглиз-рус тилшунослик терминларининг электрон платформасининг интерфейсини лойиҳалашда шу каби умумқабул қилинган дизайн ва тузилиш билан бирга ўзбек миллий график дизайни ютуқларидан ҳам фойдаланилади. Шунини айтиш лозимки, жаҳон компьютер лексикографиясида электрон луғатларнинг интерфейси (бошқа электрон маҳсулотлардан фарқли равишда) содда ва ортиқча безакларсиз ишланади. Буни электрон таржима луғатлари сайтлари мисолида ҳам кўриш мумкин (қаранг: 2-расм).

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, жаҳон лексикографияси кўп тилли электрон терминологик ва таржима луғатлари тажрибасидан ўзбек-инглиз-рус тили тилшунослик терминлари электрон платформасининг интерфейси, дизайни, тузилиши, микро ва макро структураси, қидирув тизимини шакллантиришда фойдаланиш муваффақиятли натижа беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пивоварова С.С. Методика извлечения кандидатов для многоязычного (англо-франко-русского) терминологического словаря (Выпускная квалификационная работа по направлению подготовки 035700 «Лингвистика») // <https://core.ac.uk/download/pdf/217171806.pdf>. – С. 18.
2. Эрматов И. Ўзбек тилшунослик терминларининг шаклланиши ва тараққиёти (умумий ўрта таълим мактабларининг дарсликлари асосида): Филол. фан бўйича фалсафа докт. диссер. автореф. – Тошкент, 2019. – 53 б.
3. Кенесбаев С., Жанузақов Т. Русскоказахский словарь лингвистических терминов. – Алма-ата, 1966; Молдажаров Ж.М. Становление и развитие казахской лингвистической терминологии: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Алма-ата, 1971;
4. Орузбаева Б.О. Русско-киргизский словарь лингвистических терминов. – Фрунзе, 1972;
5. Закирова В. Грамматические термины в киргизском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Фрунзе, 1973;



6. Амансарыев Ж. Туркмен дилининг лингвистик терминлерини дузгуне салмак хакында. – Ашгабад, 1951;
7. Филющина В.Н. К истории формирования туркменской лингвистической терминологии: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ашхабад, 1973;
8. Решетова Л.В. Грамматическая терминология узбекского языка: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Т., 1964.
9. Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. – Т.: Фан, 1996. – Б. 46.
10. Табанакова В.Д. Идеографическое описание научной терминологии в специальных словарях: автореф. диссер. докт. филол. наук. – Москва, 2001.
11. Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изохли луғатлари материаллари мисолида). – Т., 2018. – Б.19.
12. Крестова С.А. Лексикографическое описание терминологической системы “лексикография”: Диссер. канд. филол. наук. – Иваново, 2003. – 300 с.; Ковязина М.А. Функциональная модель двуязычного экологического словаря-тезауруса: автореф. диссер. канд. филол. наук. – Тюмень, 2006. – 21 с.;
13. Прошина А.А. Моделирование двуязычного словаря-тезауруса по экономике: диссер. канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2008. – 307 с.;
14. Софронова Т.М. Лексикографическое моделирование русской и английской пирологической терминологии: диссер. канд. филол. наук. – Тюмень, 2013. – 205 с.;
15. Шурьгин Н.А. Семасиологический и лексикографический аспекты таксономизации лингвистических терминов и терминопонятий: автореф. Диссер. Докт. Филол. Наук. – Тюмень, 2005. – 40 с.
16. Русакова А.В. Лингвистическая модель двуязычного электронного текстоориентированного словаря юридических терминов: автореферат диссертации кандидата филологических наук. – Тюмень, 2008. – 27 с.

Интернет сайтлар:

17. <http://cdb.iso.org/>
18. <http://iate.europa.eu/>
19. <http://www.microsoft.com/Language/en-US/Default.aspx>